



Яқинда Фарғона шаҳрига собиқ байналмилалчи-жангчилар ташриф буюришди.

Уларнинг кўпчилиги кўксини жанговар орден ва нишонлар бегаб турибди. Жангларда тобланиб чиниққан афғончилар ўз тақдирларини ички ишлар хизмати билан боғлагани ҳам бегаб эмас. Негаки, улар ўзларининг шиддат ва матонати жиноятчилик олами билан курашда қанчалик ке-

раклигини бу ерда — Ватан тупроғида чуқур ҳис қилдилар.

Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Р. Абдуллаев қисқача кириш сўзи билан очаркан, улар кўрсатган мардлик, жасоратлар хусусида ҳам гапириб ўтди.

Ушбу йиғилиш ҳақидаги материаллар билан рўзномамизнинг ички саҳифаларида танишасиз.

Афғонистонда байналмилаллик бурчини ўтаб, хизматни ички ишлар идораларида давом эттираётган собиқ жангчиларнинг МУРОЖААТИ

Биз, Ўзбекистон ички ишлар идораларида хизмат қилаётган барча ходимларни касб маҳоратларини ишга солиб, олдимизда турган ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш вазибаларини бажаришга, шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, хизматда юқори маданияликка, ўзаро ҳурматга ва халқ ишончини қозониш учун астойдил меҳнат қилишга чақирамиз.

Афғонистон тупроғида байналмилаллик бурчимизни ўтар эканмиз, мардлик, жасорат, матонат, аҳиллик, биродарлик намуналарини кўрсатиб, халқимиз шаънига доғ туширмадик. Ҳозирги кунда ҳам бу сифатларни сақлаган ҳолда ички ишлар идораларида хизматимизни давом эттириб, ўз ишимизга содиқ бўлиб қолмоқдамиз.

Ўзбекистон ички ишлар вазирилиги ҳайъати ва раҳбарияти, шахсий таркиби бизларга хизматнинг энг оғир ва машаққатли жабҳаларини ишониб топширишлари мумкин.

Бизнинг бугунги асосий вазибаларимиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қасамд талабаларини ҳалол бажариш ва унга содиқ бўлиб қолиш. Зиммамизга юкланган ишга масъулият билан ёндашган ҳолда ёш ички ишлар ходимларига бурчга садоқатни, тартиб-интизомга доимо бўйсунганини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамиша ҳимоя қилишни сингдириш.

Биз барча милиция хо-

димларига мурожаат этиб, уларни байналмилалчиликка, жиноятчилик билан кураш ишига шахсий ҳиссаларини қўшишга, ижобий кўрсаткичларга эришишга, маҳоратларини ишга солиб, масъулиятни ҳис этиб, демократия ва ошкоралик тобора кенг тус олаётган бир пайтда олдинги сафларда бўлишга даъват этамиз.


Асосий эътиборимизни қаровсиз, ота-онасиз, етим болаларни тарбиялашга, норасмий уюшмаларда, ҳунар-техника билим юртларида, мактабларда тарбиявий ишларни олиб боришга қаратишимиз зарур.

Мазкур фаолиятни назоратимизга олиб, йиғит ва қизларимизга ватанпарварлик руҳини сингдиришимиз лозим.

Ҳалок бўлган жангчи дўстларимизнинг оилаларига ёрдам қўлини чўзиш, мурувват кўрсатиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Халқ орасида обрў-эътибор қозониш учун аввало уларни жиноятчи унсурлардан ҳимоя қилишимиз зарур. Касб маҳоратига, малака ва билимга эга бўлмай туриб бу ишларни амалга ошириш мумкин эмас. Келинг, биз бундай ҳурмат ва обрўга ўзимизнинг ҳалол ва самарали меҳнатимиз билан эришайлик.

Мурожаатнома 1991 йил 13 декабрь кунини Фарғона шаҳрида ўтказилган байналмилалчи жангчилар вакилларининг йиғилишида қабул қилинди.



Афғончилар уруш йилларида ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этиб, гулчамбарлар қўйишди.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАР

АҲМАДАЛИГА БАҒИШЛАЙМАН

Сиз афғон фиғонин кўрган мардларсиз,
Жангдан чиқиб, жангга кирган мардларсиз,
Юртга посбон бўлиб турган мардларсиз,
Азиз элимизнинг суянчи сизлар —
Ички ишлардаги афғончи дўстлар.

Сизда Алломининг қони бор экан,
Гуруғли, Рустамнинг шони бор экан,
Дилингизда мардлик қони бор экан,
Азиз элимизнинг суянчи сизлар —
Ички ишлардаги афғончи дўстлар.

Аслику, тинч бўлсин жафокаш Ватан,
Элга илинж бўлсин жафокаш Ватан,
Илинжга синч бўлсин жафокаш Ватан,
Азиз элимизнинг суянчи сизлар —
Ички ишлардаги афғончи дўстлар.

Эҳтимол мақтовни оширдим жиндай,
Аммо элу-юртга абиндир кундай,
Сизнинг ҳар кунингиз ўтар ёлқиндай,
Азиз элимизнинг суянчи сизлар —
Ички ишлардаги афғончи дўстлар.

Баҳодир ИСО,
Фарғона шаҳри.

ЭРТАГА — САЙЛОВ

ТАКЛИФ ҚУВВАТЛАНДИ

Яқинда Пскент тумани ички ишлар бўлимида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни бўлим бошлиғи милиция подполковниги Омонкул Турғунбоев очиб, мамлакатдаги ва жумҳуриятдаги сиёсий аҳвол ҳақида қисқача сўзлаб, бўлим олиб бораётган сайловларда ишларга тўхталди.

Балогатга етмаганлар билан ишлаш назоратининг катта инспектори милиция капитани Султон Жўрабоев сўзга чиқиб, жумҳурият Президентлигига кўрсатилаётган ҳар иккала номзод ҳам халқ фаровонлиги учун тер тўқишга тайёр инсонлар эканлигини таъкидлаган ҳолда бугунги иқтисодий тангликдан чиқишда И. Каримовнинг тажрибалилигини айтди ва бошқаларни унинг номзоди учун овоз беришга чақирди.

Афғон уруши жангоҳларида тобланиб қайтган, бугунги кунда ИИБ бошлиғининг оператив ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган милиция капитани Эркин Иномов ҳам С. Жўрабоевнинг таклифини қувватлади.

Йиғилиш қатнашчилари 29 декабрь кунини И. Каримов номзоди учун овоз беришга қарор қилишди.

М. МИРСОВУРОВ,

ЁШЛИК ҚУСУР ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Исом Каримов «Халқ сўзи» рўзномаси саволларига жавоб бераркан, ўз «муҳолифи» Муҳаммад Солиҳ ҳақида шундай фикр билдирди: «Солиҳни ҳурмат қиламан. Турғун сўз, довурак, миллатпарвар йиғит. Уни мен муҳолиф ҳам эмас, рақиб ҳам эмас, балки мустақиллик йўлидаги фикрдошим деб биламан».

Ҳамма гап равшан. Биз буни танти одамнинг фикри, ақл-заковати ўзидан қолишмайдиغان инсонга берган холис баҳоси деб тушунадик.

Муҳаммад Солиҳ Эрк демократик партиясидан ўз номзодини Ўзбекистон Президентлигидек масъул лавозимга журъат билан, ишонч билан кўрсатди. У бунга арзийди. Яна бир нарсани айтиб қўйлик: кўплар ўйлаётгани ва айтаётганидек ёшлик қусур эмас. Аксинча, у етукли ва жасорат демакдир. Ахир, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар республикага бошчилик қилганларида ҳали ўттига ҳам бориб-бормаган. Добролюбов адабиётда «дохий йиғит» сифатида танилганида йигирмадан эндигина ўтган, Усмон Носир Ўзбекистонда, Пушкин Русияда исёнкор шеърлари ила подшолик қончаларини титратганида «ғўр» йиғитлар эмасмиди?

Биз бўлажак сайловда республикамиз мустақиллигини ҳимоя қилиб, муносиб номзод Муҳаммад Солиҳ учун овоз беришга аҳд қилдик. Эшонкул ҲАЙДАРОВ,
Шўхрат МУРОДОВ.

АЗИЗ ЭЛИМИЗНИНГ СУЯНЧИ СИЗЛАР—



ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАМОҚДАМИЗ

Самарқанд вилояти ИИБда байналмилалчи жангчилар Кенгаши тузилганига кўп бўлгани йўқ. Ушбу Кенгаш жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, ҳарбий коммисариат, маориф, «Билим» жамияти ва бошқалар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Утган йилнинг апрелида кўхна Самарқанд шаҳримизда афгончилар ва истеъфога чиққан ходимлар слёти ўтказилди. Унинг иштирокчилари мурожаатнома қабул қилдилар. Энг фаол ходимларнинг 15 нафарига қимматбахо совғалар, 100 га яқинига нишонлар топширилди. Ингилланларнинг ташаббуси билан банкда махсус жамғарма ҳисоби очилди. Ҳозирга қадар бу ҳисобга 25 минг сўмдан ортиқ пул йиғилди. Бу маблағни Афғонистонда ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз хотирасини абадийлаштириш ишига сарф қилиш ниятидамиз.

Бундан ташқари қатор муаммоларни ҳал этиш лозим. Ходимларни уй-жой, енгил машина, қурилиш материаллари билан таъминлаш кабилар шулар жумласидандир.

Кўпчилик афгончилар дам олиш уйлари, курорт, санаторийларга бориб даволанишга муҳтож. Аммо йўланма масаласи ҳамон изга қўйилмаган. Вазирлик раҳбарияти эътиборни шунга қаратсалар. Шусиз ҳам кўп жафоларни кўрган, асаблари толиққан афгончиларни югур-югурсиз, қисқа вақт ичида текшириб, тегишли даволаниш масканларига йўланма берилса.

Бундан ташқари кўп жойларда уларнинг меҳнат таътилларида қўшимча 15 кун берилишини ҳам билишмайди. Нега бу ҳақдаги қарор жойларга етиб келмаган? Еки етиб келганида ҳам унга қатъий амал қилинмайди.

Шодиқул ҲАМРОҚУЛОВ,
вилоят ИИБ байналмилалчи жангчилар Кенгашининг раис милиция подполковниги.

ҚОҒОЗДА ҚОЛДИ

Мен афгончи милиция ходимларига бошқача кўз билан қараш, уларни донмо юқорига кўтариш керак, деган фикрдан йироқман. Агарда афгончилардан биронтаси раҳбарлик лавозимига тайинланган экан, демак у ўз тиришқоқлиги, тажрибаси, билими, иқтидорини билан бунга эришгандир.

Утган йил Наманган тумани ИИБда ҳам бир неча афгончилар раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Буйруқ чиқди. Бироқ у қоғозда қолиб кетмади. Амалда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Тайинланган ходимлар эса изза бўлганларича кераксиз буюмдай четда қолиб кетдилар. Раҳбарларнинг бу масхарабозлиги кимга керак экан!

Менинг ишончим комилки, агар тайинланган афгончилар раҳбарликни қўлга олсалар, бўлимда жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўларди.

Абдурахим ХОЛИҚОВ,
милиция майори.

Жиноятчиликнинг тобора ўсиб бориши халқимизни ташвишга солмоқда. Айни вақтда бизни мустақиллик ўз синовидан ўтказмоқда. Чунки истиқлолнинг йўллари оғир ва машаққатли. Бу ҳар биримиздан мардлик, фидойилик, сабр-қаноат талаб қилади.

Жумҳуриятимизда юз бераётган ўзгаришлар ички ишлар ходимларига ҳам масъулиятли вазифалар юклатмоқда. Ҳар бир ходим янги талаблар асосида ўз бурчига ёндашмоғи лозим. Орамизда жиноятчиларга қарши курашга астойдил бел боғлаган мардлар кўп-кўп топилади. Бугун ишчиликнинг оғир-енгилини елкаларига олганлар ҳам мана шулар. Гап кимлар ҳақида кетаётганини дарров илғандирсиз?

Маълумки, 1985 йили байналмилалчи жангчилар бирлашмаси тузила бошланди. Энг кичик ҳарбий-вазирларлик клубидан тортиб, қўл жанги бўлимлари ташкил этилди. Бундай ҳаракатга афгончилар ташаббуси асос бўлди.

Мамлакатимиз қийин аҳволда қолган бир вазиятда ноғиронларга, бедарак йўқолганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам беришни ўз зиммасига олганлар ҳам мана шу йигитлардир.

Жумҳуриятимиздан афгон туپроғида 1511 киши ҳалок бўлди. 1219 киши турли тан жароҳатлари олди. Уруш борки, қурбонсиз бўлмайди. Бевақт ҳалок бўлган юртдошларимизнинг оилаларига меҳр-шафқат, мурувват кўрсатиш ва омон қолганларни асраб-авайлаш бизнинг бурчимиздир. Бугун уруш қурбонларининг ота-оналари, уларнинг фарзандлари олдида таъзим қилиб, бош эгамиз.

Жумҳурият ички ишлар идораларида 898 нафар собиқ афгончилар хизмат қилмоқда.

1989 йилнинг сентябрида Термиз шаҳрида байналмилалчи жангчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу анжуманга қўшни Тожикистон, Туркменистон жумҳуриятларидан ҳам, Туркистон ҳарбий округи, жумҳурият комсомоли марказ-қўми, иттифоқ ички ишлар вазирлигидан ҳам вакиллар ташриф буюришди.

Сўнгра бу каби йиғилишлар Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда ҳам бўлди.

Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлиги жумҳурият Вазирлар Кенгашининг «Афғонистон жумҳуриятида ўз хизмат бурчинини ўтаган байналмилалчи жангчиларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида»ги қарорини ҳаётга изчил татбиқ этмоқда.

Бунга мисол қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин: 1989-91 йиллар мобайнида байналмилалчи жангчилар учун 44 та уй, шахсий уй қуриш учун 172 та ер участкалари, 55 ходимга дала ҳовлиси, 64 ходимга шах-

сий автомашина ажратилди.

1990 йилнинг апрель ойидан жумҳурият ички ишлар вазирлигида байналмилалчи жангчилар учун ёрдам бериш жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари «афгон» жангчилари оилаларига ёрдам бериш учун маҳаллий бюджетлардан алоҳида маблағ ажратилди.

Кейинги вақтларда байналмилалчи жангчилардан 21 киши иттифоқ академиясига ўқишга юборилди. Иттифоқ олий милиция ўқув юртларида 85, ўрта махсус ўқув юртларида 76 ва бошқа ўнлаб ходимлар қатор олий ўқув юртларида тахсил олмоқдалар.

Собиқ байналмилалчи жангчилар, ҳалок бўлган ёки ноғирон бўлган жангчиларнинг фарзандларини олий милиция мактабларига конкурсдан ташқари киришлари учун маълум даражада ҳуқуқий имтиёзлар ва шароитлар яратилди.

Бундан ташқари уларга навбатсиз тиббий хизмат

зуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция лейтенанти Х. Ҳасмуротов, Самарқанд шаҳар ИИБ катта оператив вакили милиция подполковниги Ш. Ҳамроқулов, Бухоро вилояти ИИБ ДАН бўлими назоратчиси милиция катта сержанти С. Файзиев, Китоб тумани ИИБ участка инспектори милиция катта лейтенанти И. Азимов, Наманган вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими инспектори милиция лейтенанти М. Абдувалиев, Термиз шаҳар ИИБ балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспектори милиция капитани Р. Худойқулов ва бошқалар ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Масалан, Нукус шаҳар ИИБ милиционери милиция кичик сержанти Мирўлат Алламурастов хавфли жиноятчини ушлашда алоҳида мардлик намуналарини кўрсатди. Бунга ўхшаш мисолларни кўп-кўп келтириш мумкин.

Ҳозирда Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ИИБ-

лаб жиноятлар содир этилмоқда. Ўғирликлар олдингидан бирмунча ортиди, порахўрлик, талончиликлар каймайяпти.

Жамоат тартибини сақлаётган милиция ходимларига нисбатан тажовуз солиш ҳоллари кўп-кўп содир этилмоқда. Коррупциянинг ортиб бориши, чайқовчиликнинг авж олиши, иқтисодиётда рўй бераётган оғир аҳволлар натижасида давлатимизга катта моддий зарар етказилмоқда.

Гийёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар ва спиртли ичимликлар ичувчилар жиноятлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқдалар.

Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка эътибор, меҳмондўстлик, юрт ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-авайлашда, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдиришда улар ҳаммиса ўз ҳиссаларини, хизматларини аямайдилар, деган умиддамиз.

Ҳозирги кунда милиция рўйхатида 14235 ўсмир бор. Ваҳоланки, бу ўсмирлар эндигина ҳаётга қадам қўйишмоқда. Улар қандай ҳаёт йўлидан боришлари сиз билан бизга ҳам боғлиқдир. Эҳтимол мунозара қилиш вақти эмасдир, лекин ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ўсмирлар билан алоҳида шуғулланишимиз кераклигини унутмаслигимиз лозим. Бу тадбирларни амалга оширишда мактабларнинг муаллимлик жамоаларига, маҳалла фаолларига ва оқсоқолларнинг ёрдамига суянишимиз керак. Шунингдек, байналмилалчи жангчилардан умидимиз кетта.

Шуни қайд қилиш лозимки, жиноятчилик авж олаётган бир пайтда байналмилалчи милиция ходимлари олдинги сафларда туриб хизмат қилмоқдалар. Энг қабиҳ ва оғир жиноятлар улар томонидан очилмоқда. Мана шуларнинг барчаси афгончиларга ўз жамоаларида ҳақли равишда ҳурмат ва эътибор келтирмоқда.

Яна бир муаммо — милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш хусусида гап юртмоқчиман. Сизларга маълумки, 1990 йилнинг 30 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган ушбу қонунга роппа-роса бир йил бўлди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ички ишлар идоралари ходимларининг ўз хизматида бўлган ишонч руҳини янада мустаҳкамлади. Милиция ходимларига нисбатан содир қилинган қаршилик кўрсатиш, ҳақоратлаш, тан жароҳати етказиш ҳоллари бўйича барча айбдорлар муносиб жазо олади дейиш мумкин.

Ички ишлар вазирлигининг раҳбарияти ва унинг ҳайъати байналмилалчи ходимлар ўз бурчларига содиқ қолиб, халқимиз осойишталиги йўлида бир жон, бир тан бўлиб хизмат қилишларига ишонч билдиради.

ОЛДИНГИ САФДАГИЛАР

кўрсатиш, саломатлигини мунтазам кузатиб бориш йўлга қўйилди. Ички ишлар идораларига қарашли касалоналарга уларни навбатсиз ётқизиш каби қатор имтиёзлар берилди.

Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг хўжалик ҳисобига ўтиши муносабати билан байналмилалчи жангчиларнинг ҳар бири учун қўшимча маблағлар ажратиш кўпайтирилди.

Тенг ҳуқуқлик асосида байналмилалчи жангчилар учун маҳкамалараро жумҳурият санаторийсини қуриш мўлжалланмоқда.

Жамоат тартибини сақлашда ўз ҳиссаларини қўшаётган байналмилалчи жангчилардан жамоатчи милиция ходимлари сифатида фойдаланиш, ёшлардан тузилган жамоат тартибини сақлаш бўлимларига уларни тақлиф этиш ва бундай ходимлар учун маош тўлаш — бугуннинг кун тартибиде турган долзарб масалалардан биридир.

Бизлар ҳаммамиз мунтазам равишда ёш ходимларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўишимиз керак.

Афгон урушида чиниққан ёшлар, тажрибали жангчилар ўзларининг катта ҳаёт тажрибаларини ҳозирги кунда милиция хизмати-нинг оғир синовларига сафарбар этмоқдалар. Улар худди ўша Саланг тоғларида, Қандаҳор ва Қобул атрофларида ўтган ҳарбий хизмат оғирлигини қандай мардонавор енгган бўлсалар, бугун бурчга садоқат билан халқ ишига елкаларини туттишмоқда.

Кегайли тумани ИИБ ҳу-

да байналмилалчи жангчилар Кенгашлари ўзларининг жўшқин иш фаолиятига ва бой тажрибаларига эгадирлар. Ушбу Кенгаш аъзолари тарбияси оғир ўсмирларга қараш билан бирга меҳр-мурувват тадбирлари орқали пул жамғармаси ташкил этиб, байналмилалчи жангчиларнинг оилаларига моддий ва маънавий ёрдам бермоқдалар. Уларга тиббий ёрдам кўрсатишмоқда, дори-дармон ажратилмоқда. Айни пайтда, энг муҳими, байналмилалчи жангчилар ва уларнинг оилалари умумхалқ меҳри ва мурувватидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Ҳар бир ички ишлар бошқармасида, шаҳар ва туман ИИБда шон-шухрат музейи бурчаклари, байналмилалчи жангчиларнинг суратлари туширилган махсус стендлар ташкил этилди. Милиция ходимлари билан учрашувлар ташкил этишда, ёш ходимнинг қасамёд қабул қилишдаги тантаналарида, мукофотлар топширилаётганда, истеъфога узатиш пайтида ва милиция ҳаётига оид бошқа муҳим ишларни олиб боришда Кенгашлар алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Афгончи жангчиларнинг кўрсатган мардлик ва жасоратни улуғлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Уруш қурбонлари номини абадийлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган бўлсада, булар ҳали оздир. Энди бир-икки оғиз сўз жумҳуриятимиздаги оператив аҳвол тўғрисида.

Содир бўлаётган бир қатор жиноятлар ўзининг ваҳшийлиги билан ажралиб турибди. Аҳоли яшайдиган жойларда ва кўчаларда кўп-

ИЧКИ ИШЛАРДАГИ АФҒОНЧИ ДЎСТЛАР

ВАЪДАЛАР ҚОП-ҚОП ЭДИ



Мусофир юрта қон кеңиб, жанг қилиб юрганмизда бизларга ишоничар эдилар. Бу ерда — ўз тупромизда эса бизга ишонч йўқ десам адашмайман.

Ўт-оловга кирдик, разведкаларга бордик, ўлим билан дам-бадам юзма-юз келдик. Қанчадан-қанча дўстлардан айрилдик.

Мен таржимон эдим. Ҳар сафар бир ярим-икки минг одамни жангга олиб кирардим. Марказдан келган барча маслаҳатчилар ўз вақтида жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди. Мен эса юртимга қайтиб келиб ҳам олти йил сарсон бўлдим. Шунча югур-югурдан кейин олган Қизил Юлдуз орденига ҳар гал қараганимда, ёз-ёз, чоп-чопларим эсимга тушиб кетади. Шу билан камчиликлар тугаган, ҳақиқат қарор топган бўлса кошқийди. Мава Тошкент вилояти афғончилар учун биронта улов ажратмади. Афғонистонга боришимиздан аввал каттақоғ тоғлар ваъда қилишганди. Қани ўша ваъдалар? Еки у ёқдан қайтмайди, деб ўйлашганимиди?

Шукур НОРҚУЗИЕВ,
Чиноз тумани ИИБ катта участка вакили, вилоят байналмилалчи жангчилар Кенгаши раисининг ўринбосари милиция майори.

Бизнинг вилоят ИИБда афғончилар ва уларнинг эҳтиёжю ҳақ-ҳуқуқлари билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳар сафар менга: «Афғончиларнинг рўхатини тезда тузиб беринг, ёрдам берамиз, мукофотлаймиз», — дейишади-ю, қоғоз қоғозлигича қолаверади. Худди ҳақоратлангандай, мулзам бўлиб қолаверамиз.

Мен нафас қисиб касалига йўлиққанман. Юрагимнинг ҳам мазаси йўқ. Бироқ менга топилмайдиган йўланмалар негачир ички иш-

ларга мутлақо алоқаси йўқ одамларда бўлишига ҳайронман. Ўйлаб туриб алам қилади. Мен атайлаб урушга

ОХИРИ БОРМИКАН?

бормаганман-ку! Еки у ёқдан яримта жон бўлиб қайтишни кимдир орзу қилибдими?

Вилоят соғлиқни сақлаш

бўлимига, ИИБ тиббиёт бўлимига ҳачон борманг, эски гап: «Сабр қилинг. Бир оз кутинг. Кейинги ойда хабар олинг ва ҳ. к.»

Ахир, ҳар бир ходим жисмонан соғлом бўлса, хизмат бурчини ҳам аъло бажармайди?

Билмадим бу каби камчиликларнинг охири бормижан?

Мамасоли АБДУРАИМОВ,
Жиззах вилояти ИИБ кадрлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция капитани.

ХАЛҚНИНГ ЁДИДАН ЧИҚМАЙДИ



Афғонистон. Бу сўзни айтишини билан кўз олдингизга уруш даҳшатлари, совуқ темир тобутлар, оналарнинг фарёди келади. Бизнинг жумҳуриятимиз ўғлонларининг неча минги ана шу юртада ўз бурчларини бажардилар. Кимлардир қайтди, кимлардир қайтмади. Уларнинг сафларида бир ярим мингга яқин милиция ходимлари ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги жанговар нишонлар билан тақдирланганлар. Йигитларимиз кўрсатган қаҳрамонлик халқимизнинг ёдидан чиқмайди.

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори, Ўзбекистон халқ йўнби.

ЁРДАМГА ТАЙЁРМИЗ

Ҳозир хизматдамузу муаммоларимиз ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб ололмаямиз. Эрта-индин истеъфода чиқар бўлсак, булар янада ортади. Шунинг учун афғончилар Кенгаши ҳар бир вилоятда, шаҳар ва туманларда ташкил этилиши керак. Токи, у жангчиларнинг арз-додига етсин, қоғозда эмас, амалда ёрдам берсин. Ахир, қачонгача идора-идора сарғайиб юрмиз? Қачонгача ҳуқуқларимиз оёқости қилинади? Бизнинг ҳам яхши ишлаб, яхши яшаганимиз келади.

Фарғона вилояти байналмилалчи жангчилар Кенгаши ҳам афғончиларга қўлида келган ёрдамни беришга тайёр.

Кенгашимиз биринчи навбатда ногиронларга кўмак беришни олдиға мақсад қилиб қўйди. Шу ниятда даволаниш учун йўланмалар, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари ва зарур эҳтиёж буюмларга 20 минг сўмдан ортиқ пул ажратилди.

Биз уларнинг матонати, сабр-бардоши олдиға бош эгамиз. Тилагимиз ҳаётимиздаги қийинчиликлар уларнинг руҳини синдирмасин.

Баҳодир АЗИЗОВ,
Фарғона вилояти байналмилалчи жангчилар Кенгашининг раиси.



СУРАТЛАРДА:

Афғончилар йиғилиш вақтида. Уларнинг кўз ўнгидан қайтмаган сафдошлари сиймоси гавдаланаётган бўлса ажабмас.

Байналмилалчи-жангчиларнинг йиғилиши иштирокчилари Тошкент вилояти Афғонистон фахрийлари Кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция майори, Қизил Юлдуз ордени нишондори Эркин Пўлатов (ўнгдан биринчи) қуролдошлар билан суҳбатда.



ШАРОИТ ЯРАТИЛСА

Менинг ички ишлар идораларида ишлаётганимга 12 йилдан ошди. Аммо бўлимда байналмилалчи жангчилар учун кўзда тутилган бирон имтиёздан фойдаланганимни эслаб олмайман. Ишлаш учун шарт-шароитлар йўқ-ку, бирон нарса талаб қилиш қаёқда дейсиз? Агарда ишлаш, ҳордик чиқариш учун зарур шароитлар яратиб берилса, биз-

лар ҳар қандай топшириққа шаймиз. Жиноятчиликни бартараф этиб, хизматимиз билан одамлар кўнглида эртанги кунга ишонч туғдира олсак, уларнинг олқишидан юксак мукофот топилмайди.

Ражаббой МАТРИЗАЕВ,
Тошкент шаҳар Ленин тумани ИИБ терговчиси, байналмилалчи жангчи.



Бувайда тумани ИИБда ташкил этилган «Посбон» чолғу дастаси йиғилиш иштирокчилари учун концерт намойиш этди. Суратда

хушовоз хонанда, милиция сержанти Мўминжон Уринов қўшиқ ижро этмоқда. Х. ҲАСАНОВ олган суратлар.

ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Мен ҳозир 45 ёшдаман. Бошимга оғир иш тушиб, бир неча йил аввал ички ишлар идораларидан бўшагандим. Ушанда ҳақ бўлсамда, ҳеч ким мени ҳимоя қилмади. Шунча йил ишла-самда, ёнимга тушадиган мард топилмади. Уч йил бўлди ишга қайта тикланганимга.

Ҳозир Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБда опе-

ратив ходимман. Вилоятимизда афғончиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ишлар қониқарсиз.

Гапираверсам гап кўп-у, аммо натижаси йўқ. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деб шунини айтадиларда.

Шавкат ОМОНҚУЛОВ,
милиция катта лейтенанти.

Саҳифа материалларини Қ. МУҲАММАДЖОНОВ, М. КИМ-САНБОЕВ, М. ИБРОҲИМОВАлар тайёрлашган.

ИНОМЖОН УСМОНХУЖАЕВ:

**«Халққа айтинг,
мен порахур эмасман!»**

«Пахта иши» қанчадан-қанча ўзбек хонадонларини зор қақшатди. Юзлаб бегуноҳ кишилар сунъий равишда порахурга айланганлар, қамоқхонанинг азоб-уқубатларини бошларидан кечирдилар.

Ана шулардан бири — Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевдир. Унга катта миқдорда пора олганликда айб юкланиб, озодликдан маҳрум этилганди. Аввал у жазо муддатини Нижний Тагилда, сўнг Олмаотанинг Заречная қишлоғида, кейин эса Тошкентдаги қамоқхоналардан бирида ўтади. Азоб-уқубатлар, қийноқлар унинг соғлиғига жиддий путур етказди.

Яқинда шифокорларнинг хулосасига асосланиб, Тошкент шаҳар Киров тумани халқ суди шундай қарор чиқарди: «Соғлиғи оғирлашганлиги сабабли И. Усмонхўжаев ва Е. Айтмуротов (ЎЗКП МК собиқ котиби — З. О.) лар қамоқхонадан озод этилсин».

Муштарийларга шунинг эслатмоқчимизки, И. Усмонхўжаев 12 йилга, Е. Айтмуротов эса 10 йилга озодликдан маҳрум этилган эди.

Қуйида Иномжон Усмонхўжаев билан қилинган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Қамоқхонада уч йилдан кўпроқ вақт ўтирдигиз. У ердаги муомала, маҳбусларга муносабат ҳақида гапирсангиз. Шаронтилари ҳақида ҳам.

— Озодлик қадрини ва нималигини билмоқчи бўлган одам мен бўлиб келган жойларда лоақал бир соат ўтирсагина яхши тушунади. Муомала ҳақида гапирдингиз: маҳбусларни у ерда одам ўрнида кўришмайди. Шаронти санаторийдаги каби эмас, албатта.

— Энди нима иш қилмоқчисиз? Балки хотирала-

рингизни китоб қилиб ёзарсиз?

— Соғлигимни анча йўқотдим. Энг аввало уни тиклашим керак. Кейинчалик бирор ишнинг бошини тутарман. Ахир, мен одамларга, кўпчиликка жуда-жуда ўрганганман. Уларсиз бирор дақиқа ҳам туролмайман. Албатта, ишлайман. Халққа айтинг, мен порахур эмасман. Ҳали танамда жони-қувватим бор экан, юртимга нафим тегиши, шубҳасиз.

Ростини айтсам, кўрган кечирганларимни, айниқса, қамоқхонадаги азобу қийноқларни бирор дақиқа ҳам ёдимдан чиқаролмайман. Тунлари ўз-ўзим-

дан чўчиб уйғониб кетаман. Уша Гдлян, Ивановларнинг менга берган қийноқлари ҳаёлимни сира тарк этмайди. Юрагимда катта дард бор. Ана шу дарддан фориғ бўлиш учун китоб ёзиш режасини ҳам тузиб қўйганман. Бунинг амалга ошира оламанми, йўқми, келажак кўрсатади.

— Иномжон ака, эртага Ўзбекистон мустақиллиги учун референдум ва Президентлигига сайловлар куни. Албатта, Сиз ҳам буларга ўз муносабатингизни билдирсангиз керак?

— Албатта, мустақиллик учун овоз бераман. Каримов Президент бўлса, ўзбек халқи ҳеч нарса ютқазмайди. Ундаги дадиллик, келажакни олдиндан кўра билиш, қолаверса, юрт мустақиллиги учун кураш хислатлари менга ёқади.

— Қамалиб чиқдингиз. Анча қийноқларни кўрдигиз. Ўғилларингиз ёки набираларингизни ҳуқуқшунос бўлишларини истайсизми ёки...

— Уч ўғлим бор. Улардан бирортаси ҳам бу соҳа эгалари эмас. Мен азоб-уқубат тортдим бегуноҳ бўла туриб. Лекин набираларим қайси касб йўлини тутади, уларнинг ўзига ҳавола.

«Постда» рўзномаси учун журналист.

Зиёвуддин ОРТИҚХУЖАЕВ суҳбатлашди.

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Агар инсон газ, олов, электр токни ўзига буйсундириб, эҳтиёткорликни эсдан чиқармаса, кони фойда. Тараққиётнинг бу эҳсонлари унга беминнат ёрдам беради, анчайни юмушларини бир зумда ҳал этади. Акс ҳолда... ёвуз душманга айланади.

Жойлардан олинаётган маълумотларга қараганда, шу декабрь ойида жумҳурият бўйича 15 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмган. Уларнинг 8 нафари ёш гўдаклардир. Қолаверса, 28 киши оғир тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Сабаб — эҳтиёткорлик унутилиши натижасида чиққан оловнинг хуружи. Умуман йил бошидан бери халқ хўжалиги корхоналарида ва турар-жойларда 23 минг марта ана шундай кўнгилсиз ҳодиса рўйхатга олинди. Қўрилган моддий зарар қиймати 19 миллион сўмликни ташкил этди.

Мана, ўлкамизда айни қиш. Ҳаво тобора совиб борапти. Бундай шароитда ҳар бир киши иситиш воситаларидан зўр бериб фойдаланишга уриниши турган гап. Лекин ана шу жараёнда қандай тартиб ёки қондаларга амал қилиш керак — буни ҳамма ҳам билавермайди.

19 декабрь куни газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида Қорақалпоғистон жумҳуриятининг Кегейли туманидаги ётоқхоналардан бирида портлаш рўй берган. Натижада уч киши тан жароҳати олган.

Шу куни Чирчиқ шаҳрининг Галаба кўчасида ёнғин чиқиб, уч яшар болани «сариқ аждар» ямлаб ютди. 14 декабрь куни эса Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида газ чиқиши сабабли яна портлаш содир этилди. Оила аъзоларининг барчаси тан жароҳати олди, шу жумладан тўрт нафар болалар ҳам.

Яна шу куни Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида жойлашган хонадонлардан бирида телевизор қаровсиз қолдирилган экан. Ёнғин чиқиб, оила аъзоларидан 6 кишининг, шу жумладан 4 норасиданинг ўмири ҳазон бўлди.

Агар бошига кулфат тушган фуқароларнинг шу кундаги ҳаракатларига назар ташласак, улар аяқонинг уруғига айланган қурилиш материалларини топиш истагида зир югурмоқдалар. Мақсад қўйиб кулга айланган уйлари қайта тиклаш. Бунинг эпаси бўлар. Аммо шахид кетганларни ҳаётга қайтариб бўлмайдику!

Е. НОВИКОВ,

Ўзбекистон жумҳурияти ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ички хизмат полковниги.

ИШ ўнуми саломатлик билан бевосита боғлиқ. Соғ тандасоғлом ақл, деган мақолнинг кўп такрорланиши ҳам бежиз эмас.

Хоразм вилояти ИИБ шифохонаси табиби Саъдулла Отажоновнинг қабулига кирган ҳар бир ходим ўзини енгил ҳис қилиб чиқади.

СУРАТДА: С. Отажонов бемор соғлиғини текшириб кўрмоқда. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ички ишлар идоралари томонидан 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Акмал Икромов туманининг Дурбек 1-тор кўчасидаги 42-уйда яшайдиган Абдулла Соҳибович Исмоилов қидирилмоқда.

У шу йилнинг 30 ноябрь куни эрталаб соат 8.00 ларда уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., сочи калта, қора рангда, қоши ёйсимон, кўзи қора, қиррабурун.

Уст-боши: бошида дўппи, эғнида кўк жемпер, оқ костюм, жигарранг тринка шим, оёғида чармдан ишланган шиппак бор эди.

Асосий белгилари: қорнида 10 см. узунликдаги операциядан қолган чандиқ бор. Рухий касал.

Абдулла Исмоилов ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу ҳақда Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимига 42-36-10, 42-36-11, 42-36-15 рақамли телефонлар ёки энг яқин милиция бўлимига «02» рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

**БЕБОШЛАР ТАНОБИНИ
КИМ ТОРТАДИ?**

Ассалому алайкум муҳаррир! Ходимларим!

Мен рўзноманинг ҳар бир сонини синчиқлаб ўқиб бораман. Менга ёшлар ва ўсмирлар тарбиясига оид мақолалар кўпроқ ёқади. Шу хусусда баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бола тарбиясида мактаб, ўқув юртлари ходимларини айблагша ҳўб ўрганиб қолганмиз. Бола тарбияси мактабга борган кунданоқ ўқитувчилар ихтиёрига топшириб қўйилди. Бирон ножўя қилиқ қилса, дарров ўшаларга айб тақалади. Бу мутлақо нотўғри. Ҳали ҳеч қайси замонда шахсга тарбия беришда ота-она ўзининг бирон кимса босган эмас.

Мен ўқийётган олий билимгоҳ худудида қачон қараманг, ўсмирлар дайдиб юришади. Соат 4 лардан кейин умуман юриб бўлмайди. Негаки ёш бўлиш-

сада, қизларга шунақа шилқимлик қилишадими, ёқа ушлайсан киши. Уларнинг беҳаё ҳаракатларидан безган толибалар кун ботгач, кўчага чиқишга қўрқашади.


Қор ёққан пайтларда-ку, шўримизга шўрва тўкилади. Қорбўронда қолиб кетамиз. Қаттиқроқ гапирсангиз, бўралаб сўкишади.

Бу болаларнинг ота-оналари фарзандлари қаёқларда юрганини наҳот сўраб-суриштиришмаса? Наҳотки, Андижон тиббиёт олий билимгоҳи худудидаги бу бебош ўсмирларни назорат қилувчи ҳеч ким топилмаса?

Бу ишда, балким, милиция ходимлари бизга ёрдам беришар?

Бир гуруҳ толиба қизлар номидан

ЕҚУТХОН.



АКС-ҶАДО

МИНГ ЛАЪНАТ

«Гўдакда не гуноҳ?» мақоласини ўқиб, қалбим жунбушга келди. Бир неча дақиқалик кўнгилхушлик, кайфсафо учун ор-номусини сотган, сўнгга эса болани йўқотиш пайида турли қабиҳликларга бораётган аёлларга (бошқа нима дейиш мумкин) лаънатлар ёғилсин.

Мен марказий рўзнома орқали Ҳиндистонда бўри одам боласини топиб олиб, уни боққанини ўқиб ёқа ушлагандим. Ҳаттоки йиртқичлар гўдакка раҳм-шафқат этганда, нечук ўз туққан онаси бунчалар ваҳший бўлмаса? Бир тирноққа зор бўлиб, кўзларидан дарё ёш оққан оналарни кўрганман.

Менимча, бузуқ, фоҳишаларга энг қаттиқ жазолар белгиланмас экан, болалар туғилмаверади. Яна ҳам даҳшатлироғи шундаки, уларни ўлдиришаверади.

Пардабой ВУХОРОВ,
Косонсой шахри.



БИР ОЙЛИК МУДИР

Букенбойни мансаб айнитди. Ҳа, ҳа. Қўлига раҳбарлик жилони тегдиамки, уни тортиш ўрнига бўш қўйиб юборди... Бир ой ичда шарманда бўл-

ди-қолди. У 1991 йилнинг сентябрда Юқори Чирчиқ туманидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида жойлашган гишт пишириш це-

хига мудирликка тайинланганди. Донаси 7 тийин турадиган гиштини бемалол 10 тийиндан пуллай бошлади.

Бу ҳақда тегишли жойга хабар берилмаганда, эҳтимол у яна пича мудирлик қилармиди! **М. ИСМОИЛОВА.**

Муҳаррир ўринбосари
Ғайратжон БОЛТАБОВЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Дюпатия кўчаси, 1.
Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-28-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан
26078 нусхада чоп этилди.